

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишнинг сифати



13:50 / 23 октябрь 958

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қандай салавот айтилиши ҳақида «Намоз зикрлари» китобида айтиб ўтдик. Аммо Ибн Абу Зайд Моликий ва у кабилар ана шу салавотга «Варҳам Муҳаммадан ва ола Муҳаммад» (Муҳаммадга ва у зотнинг оилаларига раҳм қил), каби асли йўқ, бидъат сўзларни киритишган. Имом Абу Бакр Арабий «Термизийга шарҳ» номли китобларида Ибн Абу Зайд айтган гап хатолигини ва унга амал қилиш жоҳиллик эканини зикр этганлар. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам салавот қандай айтилишини саҳиҳ ҳадисларида кўрсатиб қўйганлар. Энди бунга зиёда қилиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни камчиликда айблаш ва айтганларига тўлдириш бўлади.

Муаллиф
Анвар Аҳмад